

ЭЛ-ЮРТ ТАҚДИРИ МЕНИНГ ТАҚДИРИМ

М.Д. Ботаев¹

Аннотация: мазкур мақолада бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбиясини тақомиллаштириши борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг мазмун моҳияти борасида фикр-мулоҳазалар билдирилган ҳамда ушбу ислоҳотларнинг асосий мазмуни «Эл-юрт тақдирим менинг тақдирим» деган эзгу гоя асосида амалга оширилаётганлиги эътироф этилган.

Калим сўзлар: ёшлар, Ватан, миллий гоя, миллий гоя, жаҳон ахборот тармоғи, тарих, илм-маърифат, бурч, одоб-ахлоқ.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий заминида инсон ва унинг манфаатларини муҳофаза қилиш асосий ўринни эгалламоқда. Бу борада айниқса ёшларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, уларни ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига тинчлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш зарурлигини чукур сингдириш, «Эл-юрт тақдирим менинг тақдирим» деган эзгу гоя асосида ёшлар тарбиясини шакллантиришда бутун куч ва воситаларни бирлаштиришни талаб этмоқда.

Ҳар қандай оғир ва мураккаб вазиятда Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг шуҳратини дунёга тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчаларни, ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат, шунингдек, миллий қадриятлар асосида ёшларнинг қалби ва онгига илк болалик давридан бошлаб сингдириб бориш орқали ватанпарвар, садоқатли ҳамда шиҷоатли ёшларни камол топтириш бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий моҳиятини ташкил этмоқда [2].

Бу борада ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама ривожлантириш, қатъий фикр ва эътиқодга эга шахсни шакллантириш асосий вазифа этиб белгиланиб, мазкур ғоянинг мазмун ва моҳияти ўсиб

¹ Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

www.tadqiqotlar.uz

9-to'plam 1-sod iyul 2024

келаётган авлодда буюк тарихимиз, азалий қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш, миллий рух ва ғуурни юксалтириш, бебаҳо бойлик — тинчлик ва осойишталикни асраш ва ҳимоя қилиш зарурлиги каби фазилатларни шакллантириш, зарурат бўлганда, мамлакат суверенитетини ҳимоя қилишга тайёр туриш руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ёшларни «Эл-юрт тақдири менинг тақдирим» руҳида тарбиялашда ёшларнинг ватанпарварлик туйғулари, маънавий сифатлари ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган тарбиянинг ягона тизимини яратиш, миллий гоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгушиурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканлигини чуқур сингдириш, буюк тарихимиз, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий мероси, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларнинг жаҳон цивилизацияси ҳамда ҳарбий санъат ривожига қўшган ҳиссаларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз кўрсатган ватанпарварлик ва қаҳрамонлик, улардаги садоқат, фидойилик, матонат ҳамда с каби хислатларни, шунингдек, юрт, оила, ота-она ва фарзандлар ҳимояси халқ ва аждодлар хотираси олдида муқаддас бурч эканини ёшлар онгига сингдириш, жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёқарашни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади [3].

Ҳеч шубҳасиз шуни таъкидлаш лозимки, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — бу миллати, тили ва касбидан қатъий назар, ёшларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга

йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг кўп босқичли, тизимли, мақсадли ва мувофиқлаштирилган фаолияти бўлиб ҳисобланади. Ушбу тизим узлуксизликни талаб қилиб, бир-бирига боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-мафкуравий, маданий-маърифий тадбирлар мажмуасидан иборат бўлиб ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари керакли мақсад ва вазифалар келтириб ўтилган бўлиб, уларнинг ижросини сифатли ва ўз вақтида таъминлаш ҳар бир фуқаронинг асосий бурчидир [1].

Юқорида келтирилган мақсад ва вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши эса «Ватан — улуг, бурч — муқаддас!» ғояси асосида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларни мазмунан янги босқичга олиб чиқишига хизмат қилиши ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга фуқаролик туйғусини шакллантириш, етуклик, Ватанга муҳаббат ва бурч, миллий анъаналарга содиқлик, тарихий ва маданий қадриятларни сақлашга интилиш, ҳар томонлама ривожланган, содиқ, ватанпарвар, одил, мард ва жасур ёшларнинг тарбияланишига, ёшларда радикал ғояларга қарши тура оладиган мафкуравий иммунитет шакланишига ҳамда маънавий-ахлокий муҳит ва анъанавий оиласидан қадриятларни мустаҳкамлаш негизида мустаҳкам оила қуриш фазилатлари ривожланишига хизмат қиласи [4].

Зоро келажак ёшлар қўлида. Оила эса жамиятимизнинг энг муҳим бўлагидир. Мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш ёшларимизни ҳар томонлама етук, билимли, салоҳиятли шахс, комил инсон сифатида тарбиялашга бор куч ғайратимизни сарфлашимиз, замонавий усуллар асосида уларга билимлар берилишини таъминлашимиз, уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари, имконият ва манфаатларини ҳимоя қилишимиз келгусида

мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи асосий омилдир. Айнан мазкур омил эса «Эл-юрт тақдири менинг тақдирим» ғоясини келгусида амалга ошишида асосий ўринни эгаллайди деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Конуни. <https://lex.uz/docs/3026246>.
3. Ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш Концепцияси.
4. Исмаилова Ш. Ёшлар ижтимоийлашувида аҳлоқий қадриятларнинг ўрни. <https://cyberleninka.ru/>.